

# **Экспортёрлар билан учрашув: Муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари мұхокамаси**



Давлат иқтисодиётини ривожлантиришда экспорт мұхим үрин тутади. Четдан валютанинг кириб келиши аввало үзимизда етиширилған, ишлаб чиқарылған ҳамда тайёрланған маҳсулот ва хизматлар экспортига боғлиқ. Бунда экспортёр корхоналарнинг самарали фаолияти экспорт күрсаткичларининг ортишига хизмат қилади.

Куни-кеча экспорт күрсаткичларини яхшилаш, экспортёрларнинг бу борадаги таклиф ва мурожаатларини тинглаш мақсадида Термиз тумани сектор раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашув ўтказди. Унда туман ҳокимининг алоқадор үринбосарлари, соҳага масъул ташкилот ва идоралар ҳамда экспортёр корхоналар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этишди.

Мавжуд имкониятларни ишга солиш, экспорт ҳажмларини ошириш, тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари мұхокама қилинди. Масъулларга экспортёр корхоналар билан манзилли ишлаб, фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, уларга тўсиқ бўлаётган масалаларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилди.